



Миллий Тинчлик

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси 1996 йил 17 сентябр 37 (66)- сон

Яқинда ёши етмишларга яқинлашиб қолган одам би-
ан бир ҳашамда кўришиб сўбатлашиб қолдим. Унинг
хобати гоятда ширин, маънили, ўтган ва келган кунлар
ҳақида сўйлаганда кўп жанг майдонларини кўрган ва
улардан омон чиққан жангчи каби ўйлаб, ҳикмат ва

мади ва сўнг ҳар қанча бонг урилмасин, ўша қудратли
ва бой мулкларни тутиб туролмади, сақтолмади. Маъна-
виятсиз мулк сочилиб кетди.
Бу давлатлар тарихи, миллатлар тарихи, маънавият-
лар тарихи учун мислсиз

АҚЛ ВА ЮРАКНИНГ БИРЛИГИ — МАЪНАВИЯТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ «МАЪНАВИЯТ ВА
МАЪРИФАТ» ЖАМОАТЧИЛИК
МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
ТЎҒРИСИДА ФАРМОН ЧИҚАРДИ**

— Тўғри фахрлабсиз. Лекин бу улари камситиш учун
асос бермайдилар... Менга келсак... нима десамкини? Мен
— маънавият бутун одамман. Ҳаётда яхши еб-ичиш,
яхши турмуш кечириб ҳам жуда муҳим. Лекин одамни
фақат маънавият саклайди. Кўнглингиз ва ақлингиз бир
бўлса, қаримайсиз...

Худо ҳақи, унинг жавоби менга жуда ёқди. Гарчи
китобийроқ бўлиб эшитилган бўлса ҳам, жуда ёқди.
Унда умрнинг тажрибасидан келиб чиқадиган маъно
яшириниб ётарди.
Хушхул, хушқилик, хушхалқ одамлар қаримайди-
лар. Гарчи вужуд бора-бора ўз ишини қилса ҳам, ўз
қонуний ҳуқуқини ўтказса ҳам, лекин ақл ва юракнинг
доимий бир бутунлиги тўқсонда ҳам ёшлардек ғайрат
билан фаолият олиб бориш имконини беради.
Биз ўзбеклар доим ақлга хушни қўшиб айтаемиз. Яъни
ақл-хуш деймиз. Ақл ва хушнинг бирлигини биз ақл ва
хулқнинг бирлиги деб англаймиз ва тушунамиз. Рух ва
руҳоният шу ақл-хуш ва хулқнинг қўшилиб бири-бирига
тамомила уйғун бўлиб кетишидан ҳосил бўлади. Ирода,
муҳаббат, раҳм-шафқат ҳислатларига тўлиқ эга ки-
шини биз хушхулқ деймиз. Оқил, ориф, серидор, доим
хотирасининг ибратига мурожаат этадиган одамни —
ақли-хушли одам деб таниймиз. Рухнинг қамолати шу-
ларнинг табиий қўшилишидан ҳосил бўлади ва биз уни
хазир маънавият деб белгиланганмиз.

Маънавият гоятда серкамор тушунча. Уни маъна-
вий маданият деб қўласак янада равшан, аниқ ва
умуммиллатга дахлдорлиги савияси ортади. Чунки биз
маънавият ҳақида фикр уйртганда, доим маънавий ма-
даниятимиз ҳақида гап олиб бормоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов
қиска бир вақт ичида маънавият ва маърифат масала-
ларига тегишли икки жуда муҳим фармон эълон қилди.
Маънавият ва маърифатчиллик ишларини яқин олдириш
шарафи ва юксак масъулият давлат ташкилотларига
эмас, янги ташкил этилган, республикада демократ-
лаштиришнинг илғор ва кучли эътиборли институтла-
ридан бўлган жамоатчилик маркази зиммасига юкланди.
Президент мамлакатда иқтисодий ислохотларини сиё-
сий ва маънавий-маърифий ислохотлар билан чамбар-
час боғланган ҳолда олиб бориш зарурлигини изчил
бир қатъият билан илгари сурмоқда. Келажакимизни
Президент шу уч йўналишдаги демократик ислохотлар-
нинг бир қудратли оқимга айланиши орқали тасаввур
қилади. Чунки мулк эгаси маънавият эгаси ҳам бўлма-
са, унинг мулки ҳавода осилиб, қўриқсиз, химоясиз
қолади. Мулк ҳар қанча улуг бўлмасин, у маънавият
билан мустаҳкамланмаса, маънавият илдизга эга бўл-
маса, Фармонда равшан сўзлар билан айтилганидек,
«тарихий ҳурлик» ва «маънавий сиёсатга» асосланмаса,
бу мулк узок ўтмай тарқайди, тўзайди, харобликка йўл
тутади. Утган иттифокнинг мулкларни дунёда энг қуд-
ратли ва энг бой мулклардан эди. Лекин у маънавий
жиҳатдан қўриқланмади. Бу мулкнинг маънавий илдизи
жуда заиф, тўғривоғи, шу илдизнинг ўзи йўқ эди. Унга
хос бўлмаган, зўравонлик табиғатидаги маънавий-ахлоқ-
ий қарашлар ҳар жой-ҳар жойдан олиб суний тарзда
ёпиштирилган эди. Бу суний ахлоқ илдиз отиб кетол-

жойлашган. Уни ҳар ким ҳам ҳар доим ҳам қўравер-
майди ва идрок қилавермайди.

Фармон маънавиятнинг моҳияти ва маънавий сиёса-
тимизнинг йўналишларини теран тушуниради ва бел-
гилайди. Шунга кўра айтиш мумкинки, маънавият,
маънавий маданиятимизнинг олмос қалби ВАТАНГА МУ-
ҲАББАТДА!

МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИМИЗНИНГ ОЛМОС ҚАЛБИ
БАРЧА ИШЛАРИМИЗ, БАРЧА САЪЙ-ХАРАКАТЛАРИМИЗ-
ДА ВАТАН МАНФААТЛАРИНИ ҚўЗЛАШДА!
Президент айтганларидай, ВАТАН ДЕБ ЯШАШДА!
Боримиз бордир, йўғимиз бордир. Биз ҳар доим ҳар
турли ҳолатдамиз. Яшаш, тирикликнинг қонуниятлари
шундай. Лекин қандай ҳолатда бўлмайлик, Ватан ман-
фаатлари деганда, биз ҳаммаша тик тураемиз, тиклибни
тураемиз. Биз бордиримиз-йўқдиримиз. Лекин Ватан, мил-
лат ҳақиқати, унинг эҳтиёжлари, манфаатлари мангу
устивор. МАНГУ МАВЖУД. Шу мангу мавжудга нисба-
тан бизнинг маънавиятимиз белгиланади, қадрланади,
қадриятга айланади ва том маънодаги миллий маъна-
вий маданият тусини олади.

Фармоннинг ўн тўрт банди ва ўн тўрт банднинг ҳар
бири қалажани қўзлайди. Миллат, мустақил давлат
қалажани қўриқмай, таъминлашга қаратилган. Бу ўн тў-
рт банд бир кунлик, бир йиллик иш эмас. Уларда умр-
ларнинг мазмун-моҳияти мужассам. Ўн тўрт банд ҳар
биримизнинг юрагимизнинг маърифатига, қудалик иш
фаолиятимизга, вақтимизнинг мундарижасига айланмо-
ғи даркор. Бандлар ҳар биримизнинг олдимизда аниқ-
равшан фаолият майдонлари ва фаолият соҳаларини
очади. Биздан ғайрат, шижоат, ватанпарварлик билан
ишлаш қолади.

Шу ерда Бобур ёдимга тушади. Эсингиздадир у Ко-
булга илк борган кезлар қандай ишларга қўл урган эди?
Бобур Истаиф кентда Улугбек мизронинг боғи қалон
деган боғи устидан чиқади ва боғни эгаларига пул бе-
риб олади. «Боғнинг ўртасида бир тегирмон суйи ха-
миша жорийдур. Бу ариқ ёқасида чинорлардур ва да-
рахтлардур. Бурун бу ариқ эгри-бурги ва бесиёк эди.
Мен буюрдимким, бу ариқни ража ва сиёк била қилди-
лар. Бисёр яхши ер бўлди», деб хикоя қилади Бобур
ва сал қуйроқда яна бир ажойиб хабар беради: «Сайё-
рон чашмасининг атрофини мен сангкорлик қилдир-
дим. Чашмани ганч ва соруқ била дахи дардах қилдир-
дим... Яна қуйроқда яна бир хушхабар: «Бу сувни
мен ариқ қазуриб, Дашти Сайёроннинг фар-жанубий
тарофидаги пуштанинг устига келтурдим. Пуштанинг
устида улуг гирд суффа солдурдим. Суффанинг гирдида
тамом тол дарахтлари экилди. Хили яхши манзил бўл-
ди.

Бу суффадин юқоридорқ пуштанинг ёнида узум боғи
солдурдим...»

Фармонда «тарихий ҳурлик» деган тушунча бекорга
айтилмаган. Шу тарихий ҳурлик қадрияти ичига тари-
хий маънавий маданият ҳам табиий тарзда қиради ва
унга жон бағишлайди. Бобурнинг ўз сўзларидан англа-
ган бўлсангиз керак, у қаерга қачон бормасин, фурсат
топишгани замон Худонинг ерларини обод қилди, ерни
маърифатли ерга айлантирди, ўзидан илгари ўтганлар-
дан қолган ёлғорликлар ҳароб қолган бўлса, уларни
дарҳол тўзати, янада обод этди. Қадимда боғ-
роғлар барпо қилди. Яратиб маънавиятдир, обод этиш
маънавиятдир. Аллоҳнинг мулкларига маърифат нигоҳи
билан қараш маънавиятдир. Маъмур қилувчи инсон
маънавий инсондир.

Аждодлар шундай ер юзини обод этиш руҳи билан
яшаган, шундай руҳда тарбияланган, шундай руҳни на-
слларга мерос қолдирган эдилар. Бобур эса миллатни-
нг маънавий, руҳий, ақлий белгиларини энг юксак да-
ражада ўзида мужассамлаштирган, ўзида сақлаган ва
ўзида ташиган зотдир. У - тарихан миллат тимсолидир.
Шунинг учун унинг маъмурчилик соҳасида қилган бар-
ча сонсиз-саноксиз қутлуғ ишлари маънавий мадания-
тимизнинг илдизлари — қуримас илдизларидир. Мус-
тақиллик бизга шу илдизлардан фаровон бўлиш фэйзи-
ни берди. Президент И. А. Каримовнинг фармонини
шундай тушуноқ, шундай англамоқ ва шунинг юксак-
лигидан туриб адо этмоқ шартдир.

МУҲАРРИР

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президен-
ти Ислам Каримов 16 сентябр кунини Ук-
раина Республикаси ташқи ишлар вази-
ри Геннадий Удовенкоки қабул қил-
ди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Ук-
раина ўртасидаги икки томонлама му-
носабатларни, шунингдек, Мустақил
Давлатлар Ҳамдўстлиги, халқаро таш-
килотлар доирасидаги ҳамкорликни яна-
да тараққий эттириш билан боғлиқ ма-
салалар муҳокама қилинди.

Ислам Каримов Ўзбекистон билан
Украина ўртасидаги муносабатлар бош-
қаларга намуна бўлгулик экани, икки
мамлакатнинг талай халқаро муаммо-
ларга муносабатиди уйғунлик мавжуд-
лигини қайд этди.

Қабул маросимида Ўзбекистон таш-
қи ишлар вазири Абдулазиз Комилов
иштирок этди.

Учрашувда Украина Республикасини-
нг мамлакатимиздаги Факулдада ва
Мухтор элчиси Владимир Сметанин ҳо-
зир бўлди.

(ЎзА)



САЙЁҲЛИК СОҲАСИДАГИ ЯНГИ ЖАРАЁН

«Ўзбектуризм» миллий
компаниясида 16 сентябр
кунини МДХ давлатларини-
нг сайёҳлик бўйича дав-
латлараро кенгашининг
мажлиси бўлди. Унда
халқаро сайёҳлик ташки-
лотлари ва ҳамдўстлик
давлатларида фаолият
курсатаётган йирик
сайёҳлик компаниялари
вакиллари иштирок этди.

Мажлисида МДХ ҳуду-
дида сайёҳликни янада
ривожлантириш, халқлар
ўртасидаги аниқнавий
борди-келдини тиклаш
ҳамда бу борадаги ҳам-
корликни мустақамлаш
билан боғлиқ масалалар
муҳокама қилинди. Маж-
лис иштирокчиларининг
сайёҳлик соҳасидаги

мавжуд муаммолар ва
ютуқлар тўғрисидаги
муарралари тингланди.
— Ўзбекистон «Буюк
ипак йўли бўйлаб сайёҳ-
лик» дастурини амалга
ошириш борасида катта
ютуқларга эришганини
алоҳида таъкидлаш керак,
— деди Жаҳон сайёҳлик
ташкilotининг Европа
мамлакатлари бўйича ва-
кили Питер Шекилфорд. —
Сўнги йилларда Тошкент,
Самарқанд, Бухорода за-
монвий меҳмонхоналар
очиладиган, қолаверса,
«Интерконтинентал»,
«Интермеридиан», «Холидей
ИИИ» каби жаҳонга маш-
хур туристик компаниялар
Ўзбекистонда замонавий
меҳмонхоналар барпо

этишга киришгани, шуб-
ҳасиз, бу ерда сайёҳликни
ривожлантиришда ян-
ги жараён бошлангани-
дан далолатдир.
Мажлисида сайёҳликни
ривожлантириш бўйича
давлатлараро кенгаш
аъзолари фаолиятини му-
вофиқлаштириш, бу соҳа
мутахассислари малака-
сини ошириш, шунинг-
дек, халқаро сайёҳлик —
спорт иттифоқига мазкур
иштирокчи қозувчи ма-
қомини беришга қар-
ор қилинди.

Мажлисида Ўзбекистон
Республикаси Бош вази-
ри ўринбосари С. Саид-
қосимов иштирок этди.

(ЎзА)

ЮРТНИ КАШФ ЭТИШ

ЁШ ИЖОДКОРЛАР АСАРЛАРИ

Мамлакатимиз пойтахтида ўтказилаётган турли-туман ма-
даний-маърифий тадбирларнинг кўлами тобора кенгайиб бормо-
қда. Улар Ватанимиз фуқаролари маънавиятини ўстириш-
да, қадриятларимизни эъзозлаш ҳиссини шакллантиришда му-
ҳим аҳамият касб этмоқда. Тасвирий санъат илосида эълон
қилдирилган шундай илҳомли ишлардан биридир.
Ешларнинг «Камолот» жағмараси ҳамда Ўзбекистон тад-
биркор аёллари Ассоциациясининг «Зумрад» маданият мар-
кази ҳамкорлигида Тошкентдаги «Илҳом» ижодкор ёшлар клуби-
да ташкил этилган Ўзбекистон республикаси мустақилли-
гининг 5 йиллигига бағишланган кўргазма намоёниши икки ҳаф-
та ишлаган, ниҳоятда яхши. Унга қўйилган бир гуруҳ ёш рас-
сомларнинг турли жанр ва услублардаги 60 дан зиёд тасви-
рий санъат асарлари кўпчилик томошабинларнинг эътиборини
қозонди. Ана шундай ўз қизиқарли мавзуси, мазмун талқини
жиҳатидан таҳсинга лойиқ ижод намуналарини яратганлар ду-
неқарашлари, шахсий кечинмалари, атроф муҳитга муноса-
батлари турлича бўлса-да, ягона мақсад — илҳом борица та-
лаған соҳалари сир-асорини пухта эгаллашга, баъдий каш-
фийлар қилишга интилаётган умидли ёшлар қаторида Бобур
Исмоилов, Алишер Алиқулов, Лола Бобоева, Рустам Солижо-
нов, Жамол Усмонов, Хасан Саидвалиев, Елена Муҳамедова
каби мажоратлари анча чарқанган мусаввирларнинг борлиги
айниқса қувонарли. Улар ўзлари тасвирга тушироқчи бўлган
воқеа ва ҳодисалар моҳиятини рамазий, мажозий талқинда
намоён этишга ҳаракат қилганлар ва тасаввурлариди турилган
таассуротларни рангин сержило бўқлар востисидида акс эт-
тирганлар. Айниқса, Б. Исмоиловнинг Амур Темур ҳаётига ба-
ғишланган туркум ишлари, А. Алиқуловнинг «Меъмор», «Ком-
позиция»-си, Р. Солижоновнинг «Бухоро зардулиги», «Лаган
билан рақс», Ж. Усмоновнинг «Ок тепа», «Бирчмулла», Х. Саи-
далиевнинг «Ил фаслари», Н. Шоабдурахимовнинг «Бахт
қуши», «Темур» асарлари ҳозирги замон тасвирий санъатининг
ранг-баранг кўп қиррали ижодий жараёнлари ҳусуиятларини
маълум даражада ўзида мужассамлаганини кўришимиз
мумкин.
Кўргазма ёш рассомлар учун навабдаги имтиҳон вазифа-
сини ҳам ўтади, ижодий услублари шаклланишининг маълум
муҳим босқичларини атрофдан кузатиш, мулоҳаза юритиш,
кейинги фаолият уфқларини режаллаб олиш имконини беради.
Б. ТОҶИЕВ



Ҳар байрам қувончининг суруриман,
Мен бир овоз юртнинг гуруриман...

ТОЛЕ ЁР БЎЛГАН ВАТАН

Ўз мустақиллигининг беш
йиллигини зўр тантаналар
билан нишонлаган юртимиз-
да кўтаринки руҳ байрамо-
на кайфият ҳукмрон. Қутлуғ
саналар бир-бирига эргашиб
қелиб, ажиб файли иқлим
пайдо қилган. Ишончим
милки, бу кунлар хали пор-
лоқ замонларнинг бир дебо-
часи, холос. Зеро, барча ин-
сонлар каби бизга ҳам сал
нарироқ, олисроқ юксакроқ-
қа интилиш — ҳавас туйғуси
беғона эмас. Биз нафақат
орзу қилишимиз, балки, орзу-
ларни рўёбга чиқаришимиз ў-
ганямиз. Уй-фирқаларимиз
теранлашяпти, янгица маъно,
янгица ҳаётий нафосат касб
этяпти.
Умуман, ўзгаришлар ул-

кам деганда беш-олти бошини
қовуштирган, бошқарув боби-
да ишни дундириб қўйган бў-
лиши керак деб. Сўнг фуқа-
ролар қарийб бир овоздан
саялаган давлат раҳбари ха-
қида билиб-билмай сўз
юритиб беихтиёр саялаган
кишиларнинг, яъни бутун хал-
қнинг нафосиятига тегади
деган фикрда эдим. Қолавер-
са, демократиянинг пайдевор
шарти — кўпчилик фирдининг
устулиги, устуворлиги. Бутун
халқ иқтиланмасдан ўз қис-
мати, ўз келажиги учун барча
ваколатни бир инсонга топши-
рибдимми — ҳақиқатни тан
олиш ва ҳурматлаш керак.
Этироزلар туртилганда ҳам —
риё ва андиша билан, мада-
ният билан баён этиш лозим,

хал илғаш қийин: «Хар ким-
ники ўзига, ой қўринар қўзи-
га» Ватанга тош отган. Ва-
тан ҳақида гайир сўз айтган
кимса ноҳисо ўзининг асл ба-
шарасини фош қилиб қўяди.
Инсонни инсон қилиб тура-
диган битта битта омил
Ватан! Ватансиз инсон йўқ,
бўлиши ҳам мумкин эмас. Би-
роқ, миллатимизнинг фожиа-
вий тарихини, бошидан оғир
савдолар, мусибатлар кўп ўт-
ганини назарга олиб, мен-ха-
миша ҳар қандай хатти-ҳара-
катга риё билан қараш мум-
кин диб ҳисоблаб келаман.
Айни шу нуқтага назардан ке-
либ чиқиб, мен журналларда
фаолият бошлаганимда хо-
риждаги ўзбеклар мавзусини
ҳам адолат тарозисига қўйиб
ёритишим ўзимга муҳим ва-
зифалардан бири сифатида
белгилаб олган эдим.

Давоми иккинчи бетда

Шарқ билгинлари

ИБН ТАЙМИЯ (1263—1328)

Такиюддин Абдуллобос Аҳмад ибн Таймия ал-Харроний ал-Ханбалий калом илмининг йирик вақилларидан бири...

Кейинроқ Мисрда авж олган диний оқимлар орасидаги зиддиятлар тўғрисида...

Сунг Дамашқ шаҳрига қайтиб, дарс бериш ишлари билан машғул бўлади.

КЎП ТОРТИШГАН ПИР

Таймия пайгамбарлар ва муқаддас жойларни зиёрат қилиш ҳақидаги фатвоиси учун бир қанча вақт қамалди.

ни қоралаган ва мусулмонларни бу йўлдан қайтаришга бел боғлаган.

Баъзи олимларнинг ёзишича, Ибн Таймия бир қатор оқимларга қарши бўлган...

Масалан, ислом қонуншунослари «чч талоқ» билан ажралишган хотинни ўз эрига яна қайтадан никоҳ қилиниши...

Бутун Дамашқ халқи унга ўта хурмат ва эҳтиром кўрсатди. Тарихчиларнинг ёзишларича...

Ибн Таймия исломнинг ханбалий мазаҳабига риоя қилар эди.

Ушбу даврда пайдо бўлган ҳар хил мазаҳабий тортишувлар, Узуро зиддиятлар Ибн Таймиани ҳам ўз қамарига тортиб эди.

Солхиёя масжиди минбаридан

сўзлаган нутқида Умар ибн ал-Хаттоб кўпгина хатоларга йўл қўйган деган фикрни айтган.

Ибн Таймия доим мустақил фикрлар, кўп қонуншунослар билан баҳс қилар, уларнинг ақидаларини танқид остига оларди.

АБУЛЛОХ ИЛОХИЙ (ваф. 896 1491)

Ўз даврининг кучли мутаасавиф олим ва шоирларидан. Шу билан бирга у нақшбандия тарикатининг тарғиботчиси ҳам бўлган.

Дастлабки таълимни шу туғилган ерида олди, кейин Истанбулга бориб бу ерда Зийрак деган мадрасада...

Абдуллох Илохийни илм-маърифатни кўп қадрлаган, турк султони Фотиҳ Истанбулга даъват этди.

Бухорий, Муслиҳиддин Тавил ва Обид Чалабий каби шоғирдлари бўлган.

Бухориса шаҳрида (Ўрхан китобхонаси, инв. N 1223) Илохий шайхнинг девонининг 115 ғазали форса, 13 ғазали туркчадир.

Абдусодиқ ИРИСОВ



ХОТИМА

Ул ҳазратнинг бу воқеаларини улуғлардан қандай эшитган бўлсам, шундай баён қилдим.

БАЙТ

Бу Хоразмий диёри муқтадоси, Хама оламини пешвоси, Хама дармандалар дастгири улдур.

Илохийнинг Амир Аҳмад Бухорий, Муслиҳиддин Тавил ва Обид Чалабий каби шоғирдлари бўлган.

Абдусодиқ ИРИСОВ

Ики дунёда онинг сўфисидур. Йўқ эрса ойғонидур лофу ёлгон, Оларнинг ёнида кўб-кўб уёлгон.

Таржимаси:

Лоянном (доим уйғоқ) Аллоҳнинг кўмаги билан, китобни кўчириш жума кунини тугади.

ИЗОҲЛАР:

- Пок парвардигорга ҳамдлар айтаман, У тупроқдан доно ва узоқни кўрувчи одамни яратди. Алайхир-рахма — Аллоҳ унга раҳмат қилган бўлсин.

Миллий чолғулар

ҚАШҚАР РУБОБИ

Миллий чолғу асбобларимиздан бири қашқар рубоби бўлиб, Х асрдан буюн ўрта Осиё, Тибет ва бошқа Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган.

Энг қадимий рубоб гижжақсимон бўлиб, дастасига пардалар бойланмаган экан.

Кашқар рубоби, Шарқий Туркистонда жуда кенг тарқалганлиги учун «қашқар рубоби» деб ном олган.

Хозирги замонавий рубобда фақатгина Шарқ мусикаси эмас, балки бутун дунё халқлари мусикалари ижро этилади.

Рубобнинг тақомил топишида Усто Усмон Зуфаровнинг хизматлари жуда катта бўлган.

Чолғу мусикаси ҳақида Абу Али ибн Синнинг (980-1037) мусика ҳақидаги рисолидан жуда қимматли маълумотлар топиш мумкин.

Замонамизнинг машҳур рубобчиларидан Мухаммадхон Мирзавев, бухоролик Ару Бобохонов, Тоҳир Ражабий ва бошқа рубобчилар ўз маҳоратлари билан элминизга хизмат қилиб ва хорижий мамлакатларга ҳам бу ажойиб соани таништириб, ўзбек, тожик, уйғур мақомлари, халқ куйларини ижро этиб келмоқдалар.

Ҳайратлиқ билан Агар илминг бўлмаса, Сўйлашмагин рубоб билан Агар кўнглинг бўлмаса.

Рубоб бобом сози бўлган, Бун ҳеч вақт унутма, Илми камга нози бўлган, Бун ҳам ҳеч унутма.

Асли ўзи кашқар рубоб, Уйғур сози дейишар, Агар уни чалса арбоб, Куй бошида сезишар.

Жигар пара, оромжон, Рубобнингдир нағмаси, Чалсанг авайлаб, болажон, Чикар куйлар ҳаммаси.

Созлар ичинда узун, Бешта тордан иборат, Тоғуш чикса жон ҳузур, Бардам қилур тамомат.

Musical notation for Rubobi, including staff notation and tablature.

Biography of Sayfi Jalil professor, including his name and title.

МУСАВВИР ВА ТАСАВВИР

ОСУДА БАХТ

Мусаввирлик бошқа барча санъатлар каби жозибали, мураккаб, шуқуҳли ҳислатлари, гўзалликка ташналикни қондирадиган ўзига хос хусусиятларига эга соҳа бўлганлиги учун унинг баланд оstonидан хатлаб ўтиш барчага ҳам насиб этавермади.

лар яратиб келаётган мусаввир Мухаммадхон Нуриддин ўғлининг самарали фаолияти кўз олдимда намоён бўлади.



қўргазмаларида қатнашди. Рассомнинг ишлари Англия, Франция, АКШ, Россияда турли шахсий коллекцияларидан жой олган.

Айниқса, мусаввирнинг 80-йилларнинг бошида санъатсеварлар ҳўқмига илк бора ҳавола қилган катта-катта тарихий ҳамда маънавий мавзулардаги кизикарли воқеабанд асарлари мутахассисларнинг ҳам юқори баҳосига сазовор бўлган.

ҳар бир майда унсурга эътибор берган. Асар қарамоли ички дунёсини, фарзандига бўлган эзгу туйғуларини, меҳрини илҳи жиҳорица воситасида юзага чиқаришга ҳаракат қилган.

Одатда ўзига талабчанлик билан ёндашувчи, чуқур мулоҳаза юритувчи ижодкорлар тез-тез автопортретлар ишлаб туришадди.

шундай асарлар қаторида қадимги тошойна олдида ижод қила туриб ўзига, айна пайтда асарни кўрувчи синчков назар ташлаб турган мусаввир сиймоси тасвирланган.

Рассом ижодида шаҳар манзараларини тасвирлаш иши муҳим ўрин тутди. У даставвал ўзи туғилиб болалиги ўтган қадрдон Наманган шаҳрининг гўзалликларини тасвирлаган бўлса, кейинчалик М. Уйғур номидаги Тошкент давлат Санъат институти рассомлик факултетига дарс бера бошлагандан буюн мустақил республикамиз пойтахти манзаралари туркумини яратиб бошлади.

«Себзор» асарига яққол кўриниб туради. Унда Тошкентнинг яқин ўтмишидаги кўҳна хонадонлари кўриниши янги замонавий кўп қаватли бинолар, қурилишлар билан ёнма-ён акс эттирилган.

Баҳром ТОЖИЕВ

рени ҳам кўп марта тасвирлаган. Биз уста мўйқалам соҳиб Мухаммадхон Нуриддин ижодининг айрим қирралари хусусида тўхтадик.

Манзилемиз: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси — 32. Телефон 33-50-18. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй Навбатчи — Бахтиёр АҲМЕДОВ

Logo and contact information for the publisher, including the name 'Muzaffar' and address details.

Editorial information: Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАҒУРОВ

Subscription information: Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 0532.

Address and contact details for the publisher's office.